



Мусулмонлар Эронга келишидан олдин у ерда юкори табака орасида турли хил тушунмовчиликлар ва зиддиятлар давом этарди. Бир томондан ер эгалари – харбийлар ва кохинлар ўртасида, бошка томондан майда ер эгалари ва давлат амалдорлари ўратсида кураш борарди. Амалдорлар ва дехконлар (майда ер эгалари) марказлашган шох хукумати саклаш тарафдори бўлишса, харбий кўмондонлар ва кохинлар марказий хокимиятга бўйсунитишни истамай билганларича харакат килишарди.

Эрон ва Византия ўртасидаги сўнгги уруш (602-628) Эрон халкларининг хонавайрон бўлишига олиб келди, халк харбий харажатлар учун жуда катта миқдорда солик тўлади. Урушдаги маглубият Эроннинг халқаро мавқеини пасайтирди ва шохнинг халқ орасидаги обрўсига жиддий путур етказди. Эроннинг сўнгги шохи Яздигирд III (632-651) хукмронлигининг бошидан охиригача араблар билан уруш олиб боришга мажбур бўлди ва бу уруш унинг халокати билан тугади.

Эрон хукмдор доиралари ташки хавфни асосан Византия ва Турк хоконлигидан кўриб, жануби-гарбдаги кўшнилари араблардан хотиржам эдилар. Тўгри, улар араб бадавийларининг талончилик юришларига кўникиб колишган бўлса-да, у ерда давлатларини йўқ килиб юборадиган даражадаги куч мавжуд эканлигини хисобга олишмаганди. Лекин Эрон араблардан шунаканги какшаткич зарбага учрадики, Александр Македонский давридан бери бунака холат кузатилмаганди. Эрон шохлиги нафакат кулади, балки эронийларнинг ёзуви ва динлари ҳам йўқликка юз тутди.

Эрон давлати 611 йил Зул-Кора (Куфа яқини)да Бакр кабиласи бошлик бир неча минг араб бадавийлари кўшини билан тўкнашган бўлиб маглубиятга учраганди. Бу воқеа Эрон учун муваффақиятли бўлган Эрон-Византия урушининг биринчи боскичида бўлиб ўтганди. Бу уруш одатдаги урушлардан фарқ килмагани учун форслар арабларга карши чора кўришга кизикишмаганди.

Арабистон ярим оролида Ислом таркала бошлагач, секин-аста кўшни давлатларда ҳам янги дин хақида турли хил гап-сўзлар пайдо бўлди. Бунга сабаб Расулуллохнинг кўшни

давлатларга элчилар жўнатганлари ва арабларнинг Якин Шарк савдосида фаол иштирок этганликлари ҳам Ислом дини хакида тасаввурлар шаклланишига сабаб бўлди.

Эрон кўшини катта жангларда иштирок этиб чиниккан эди, шунингдек улар сафида улкан кўшинни бошқара олишга мохир саркардалар ҳам талайгина эди. Кўшин ўша замондаги барча курол-ярогларга эга эди. Араблар кўшини эса Эрон ва Византия кўшинидан анча фарк киларди. Арабларда отлик жангчилар жуда озчиликни ташкил киларди, отлар ўрнига туялардан фойдаланиларди. Шунга карамай араблар Византияга карашли ерларга юриш бошлашганди. Тез орада мусулмонлар жуда катта тезликда кўшни ўлкалар ерларини эгаллашди.

Араблар VIII аср бошларига келиб Византиянинг 2/3 кисми худудини тортиб олишди.

Мусулмонлар Византияга карши уруш олиб бориш билан бирга бир вақтнинг ўзида Эронда ҳам харбий ҳаракатлар олиб боришди. 634 йили Холид ибн Валид халифа Умар ибн Хаттоб кўрсатмаси бўйича Сурияга юборилди. Эронга карши урушда Саъд ибн Ваккос унинг ўрнини эгаллади.

637 йили Кодисия жангида Рустам бошлик эронийлар батамом тор-мор этилдилар. Сосонийлар пойтахти Ктесифон (ар. Мадоин) эгалланди. Пойтахтларини бой берган сосонийлар энди талончилар билан эмас, балки жуда кучли кўшинга дуч келишганини англашди ва тезда янги кўшин тўплашга киришишди. Лекин форслар 642 йили Хамадон якинидаги Нахованд жангида какшаткич маглубиятга учрашди. Наховонддаги маглубиятдан сўнг марказий ҳукумат фаолиятини тўхтатди, энди ҳар бир минтака ўзича ҳаракат кила бошлади. Эрон ҳукмдори майда ҳукмдорлар устидан бошлик бўлгани учун шаханшоҳ (шоҳлар шоҳи) деб аталарди. Огир маглубият Сосонийлар империясининг санокли кунлари колганини англатарди.

Араблар 639 йили Хузистонни эгаллашган бўлса, 642 йили сулҳга кўра Озарбайжон ҳукмдори таслим бўлди. 643 йили Хамадон, 644 йили эса Исфохон ва Рай таслим бўлди. 644 йили Форс вилояти ҳукмдори Парс Шехрек Таввожи якинида бўлган Рейшеҳр жангида маглуб бўлди. 648 йили Парс (Форс) таслим бўлди. Бир канча шаҳарлар, жумладан Истаҳр араблар биан битим тузиб таслим бўлди. Лекин истаҳрликлар 649 йили исён кўтариб араб гарнизонини кириб ташлашди. Тез орада етиб келган араблар шаҳарни камал килиб кайтадан кўлга киритишди. Араблар Форс аҳолисидан хароҷ учун 33 млн дирхам ва 18 млн дирхам жизя ундиришди.